

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**304** Олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган бой-ликлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

**[Кўчирма]**

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 5 июнь,  
156-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 5 июндаги 156-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида» 1995 йил 4 декабрдаги 448-сон қарорига 3-иловадаги «Фонон» ИИЧБ» сўзлари «Фонон» ДИИЧК» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитаси таркибидаги «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти масалалари тўғрисида» 1997 йил 24 декабрдаги 566-сон қарорида:

а) қарорнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг  
фаолияти масалалари тўғрисида»;**

б) кириш қисмидаги «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг» сўзлари «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бир-

лашмасига» сўзлари «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-банддаги ва 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси» ва «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига» сўзлари тегишли равишда «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси» ҳамда «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги томонидан экспертизадан ўтган заргарлик буюмларининг, қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар парчаларининг таъмирлаш ёки янги заргарлик буюмлари тайёрлаш учун белгиланган тартибда «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонасига топширилишига»;

учинчи хатбошидаги «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига» сўзлари «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Қимматбаҳо металллар қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 68-модда) 5-илова-нинг 16-бандидаги «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси» сўзлари «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги 205-сон қарорига 2-иловадаги «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-Тошкент заргарлик заводи директорининг ўринбосари» сўзлари «1-заргарлик корхонаси» давлат корхонаси директори» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) 1-иловада:

а) 5-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан, ҳар қандай турдаги ва ҳолатдаги қимматбаҳо металллардан (олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металллар — палладий, иридий, родий, рутений, осмий), қайта ишланмаган ва қайта ишланган табиий қимматбаҳо тошлардан (олмослар, бриллиантлар, ёқутлар, зумрадлар, сапфирлар, шунингдек табиий марварид), ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган олиб қўйилган заргарлик маҳсулотла-

рини, таркибида қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, табиий марваридлар мавжуд бўлган маҳсулотларни (кейинги ўринларда қимматбаҳо металллар ва тошлар деб аталади) сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига берилади. Сақлаш учун махсус шарт-шароитларни талаб қиладиган бошқа мол-мулк (автотранспорт воситаси, дори воситалари ва ҳоказолар) сақлаш учун бинолар, майдончалар ва омборларга жойлаштирилиши мумкин»;

б) 6-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Олиб қўйилган қимматбаҳо металллар ва тошлар ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасига қимматбаҳо металллар ва улардан ясалган буюмларнинг асиллик даражасини экспертизадан ўтказиш (текшириш), зарур ҳолларда тамға босилиши лозим бўлган буюмларга давлат асиллик даражаси тамғаларини босиш, шунингдек қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларнинг ҳақиқийлигини ва тавсифини экспертизадан ўтказиш учун юборилади. Текшириш ва тамғалаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан, асиллик даражаси тўлови ундирилмасдан, ўн кун муддатда амалга оширилади».

в) 10-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Солиқ органлари давлат даромадига ўтказилиши керак бўлган, унга нисбатан олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган мол-мулк ҳисобини олиб қўйилган қимматбаҳо металллар ва тошларни алоҳида сатрда ажратган ҳолда уни сотишдан пул маблағлари тушишигача ёки мол-мулк йўқ қилиб ташлангунгача юритадилар»;

г) 15-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Суд ижрочиси тасарруфига ўтадиган қимматбаҳо металллар ва тошларнинг рўйхатини тузишда, қимматбаҳо металллар ва тошларни суд ижрочисига бериш санасида уларнинг қийматини қайта баҳолаш амалга оширилади. Қайта баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Қимматбаҳо металллар агентлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган шкала бўйича ички бозорда олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган қимматбаҳо металллар ва тошлар қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Қайта баҳолаш суд ижрочилари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси, солиқ ва молия органлари вакилларининг мажбурий иштирокида қимматбаҳо буюмлар қийматини қайта баҳолаш далолатномасини тузган ҳолда ўн кун муддатда амалга оширилади. Қайта баҳоланган қийматдан суд ижрочиси қимматбаҳо металллар ва тошларни сотиш юзасидан шартномалар тузиш учун фойдаланади»;

д) 16-банднинг биринчи хатбоши биринчи жумласидаги «мол-мулк» сўзларидан кейин «(қимматбаҳо металллар ва тошлардан ташқари)» сўзлари қўшилсин;

е) 18-банднинг олтинчи хатбошидаги «заргарлик буюмлари» сўзлари «қимматбаҳо металллар ва тошлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 21-банднинг биринчи хатбоши биринчи жумласидаги «мол-мулкка» сўзларидан кейин «(нархи пасайтирилмайдиган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган давлат даромадига ўтказилган заргарлик буюмларидан ташқари)» сўзлари қўшилсин;

з) 23-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. Давлат даромадига ўтказилган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари уларни сотиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган савдо корхоналари орқали сотилади.

Давлат даромадига ўтказилган қўшимча реставрация қилиш талаб қилинадиган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлайдиган ихтисослаштирилган давлат корхоналари томонидан сотилади»;

и) 28-бандда:

«мол-мулк» сўзларидан кейин «(таркибида қимматбаҳо металллар ва тошлар бўлганларидан ташқари)» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Давлат даромадига ўтказилган, тарихий, илмий, бадий ва бошқа маданий қимматга эга бўлган мол-мулк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига масъулиятли сақлашга текин берилади»;

к) 38-банддаги «шакл бўйича» сўзларидан кейин «(давлат даромадига ўтказиладиган қимматбаҳо металллар ва тошларни алоҳида сатрда ажратган ҳолда)» сўзлари қўшилсин»;

л) 62-банднинг иккинчи хатбоши «келишилган ҳолда» сўзларидан кейин «алоҳида сатрда қимматбаҳо металллар ва тошларни ажратган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

м) 63-банддаги «белгиланган шаклда» сўзларидан кейин «қимматбаҳо металллар ва тошларни алоҳида сатрда ажратган ҳолда» сўзлари қўшилсин.